

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 468-ҳадис

468/835 – حَدِيثُ ابْنِ مَسْعُودٍ فِي التَّشَهِيدِ تَقَدَّمَ قَرِيبًا، وَقَالَ فِي هَذِهِ الرِّوَايَةِ بَعْدَ قَوْلِهِ: وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ: ثُمَّ يَتَحِيرُ مِنَ الدُّعَاءِ أَعْجَبَهُ إِلَيْهِ فَيَدْعُونَ.

468.835 Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқиганимизда: «Аллоҳга бандаларидан салом, фалончи ва фалончига салом», дер эдик. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳга салом», деманглар, чунки Аллоҳниңг Ўзи Саломдир. Балки «Ат-тахиййату лиллаҳи вас-солавату ват-тойийбат. Ассаламу алайка айюҳан-набийю ва роҳматуллоҳи ва барокатух. Ассаламу ъалайна ва ъала ибодиллаҳис солиҳийн. - Зеро, шуни айтсангиз, осмондаги [ёки осмону ер ўртасидаги] ҳар бир бандага етиб боради - Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Мұхаммадан ъабдуҳу ва росулух», денглар. Кейин (намозхон) дуолардан ўзига ёққанини танлаб, дуо қиласверади», дедилар».**

Манба: hadis.islom.uz

